

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
  
**Мусаҳҳихлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

|  |    |
|--|----|
| <b>А.Үринов, Ш.Хайдарова</b>   |    |
| Олтинчи тартибли гиперболик типдаги дифференциал тенглама учун бошланғич<br>масала .....             | 6  |
| <b>А.Ахлимирзаев, М.Ибрагимов, И.Акрамова</b>  |    |
| Хосмас интеграллар ва уларни ўрганиш бўйича баъзи бир муроҳазалар .....                              | 14 |
| <b>Б.Кадиркулов, М.Жалилов</b>   |    |
| Капутооператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун<br>бир нолокал масала ..... | 19 |

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

|  |    |
|--|----|
| <b>У.Тойиров, Д.Роҳмонов, Р.Мурадов</b>                                |    |
| Хомашё валигининг жин машинаси самарадорлигига таъсирини ўрганиш ..... | 25 |
| <b>М.Собиров, Х.Сатторова, Р.Тошқўзиев</b>                             |    |
| Қутбланган ёруғликни стокс параметрлари орқали тасвирлаш .....         | 31 |

## КИМЁ

|  |    |
|--|----|
| <b>И.Аскаров, М.Акбарова</b>   |    |
| Айрим синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва уларни синфлаш .....                                   | 36 |
| <b>Ш.Абдуллоев</b>   |    |
| Темир (III) асосидаги гетеробиметаллик оксо-карбоксилатларнинг<br>электрон парамагнитик резонас спектрлари ..... | 40 |
| <b>И.Аскаров, Ш.Қирғизов, Ю.Бадалова</b>   |    |
| Шоколаднинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлили .....                                  | 46 |
| <b>Р.Исматова, М.Амонова, М.Амонов</b>   |    |
| Пахта толаси асосидаги калава ипларни янги таркиб билан оҳорлашни физик-кимёвий<br>асослаш .....                 | 51 |
| <b>Д.Каримова, В.Хужаев, Г.Рахматуллаева</b>   |    |
| Косметик кремлар сифатини органолептик ва физик-кимёвий услублар ёрдамида<br>аниқлаш .....                       | 57 |
| <b>Ў.Ҳолмирзаев</b>  |    |
| 9-синф ўқувчиларининг кимё фанидан экспериментал қўнималарини<br>шакллантиришни такомиллаштириш .....            | 62 |

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

## ТАРИХ

|  |    |
|--|----|
| <b>Т.Эгамбердиева, Н.Самедова</b>  |    |
| Ўзбек ва турк халқларининг миллий урф-одат ва анаъаналаридағи уйғунликлар таҳлили....                            | 67 |
| <b>Р.Арслонзода, Д.Муйдинов</b>  |    |
| Ўзбекистон Республикасининг архив иши соҳасидаги халқаро алоқалари .....   | 71 |
| <b>А.Ерметов</b>   |    |
| Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларининг миллий таркиби хусусида<br>(1925-1985 йиллар) .....                | 78 |
| <b>И.Гуломов</b>   |    |
| Туркистон ўлкасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига оид айрим муроҳазалар<br>(1897-1920 йиллар мисолида) ..... | 85 |
| <b>Р.Расулова</b>  |    |
| Ўзбек ва татар маърифатпарварларининг ҳамкорлик муносабатлари .....  | 90 |
| <b>Ш.Саидахматов</b>   |    |
| Урбанизация ижтимоий жараён сифатида: тарихшунослик таҳлили .....  | 95 |

УДК: 321.01+351.74+.007.08

ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ  
ХУСУСИДА  
(1925-1985 йиллар)

О НАЦИОНАЛЬНОМ СОСТАВЕ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ  
УЗБЕКИСТАНА  
(1925-1985 гг.)

ABOUT THE NATIONAL COMPOSITION OF THE POLICE OF UZBEKISTAN  
(1925-1985)

Ерметов Аваз Абдуллаевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ерметов Аваз Абдуллаевич

— Ўзбекистон Миллий университети, тарих факультети доценти, тарих фанлари доктори.

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан сўнг қайта тузилган Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибида фаолият юритган милиция органлари ходимларининг таркибий тузилиши, жумладан, ички ишлар тизимишининг марказий идоралари ҳамда вилоятларда хизмат қилган раҳбар ва оддий ходимларнинг миллий таркибий тузилиши бирламчи архив хужжатлари асосида таҳлил этилган.

**Annotation**

В статье на основе первичных архивных документов анализируется состав сотрудников милиции, работавших в Народном комиссариате внутренних дел, реорганизованный после образования Узбекской ССР, а также проанализирована как центральная структура, так и национальная структура высших должностных лиц в системе внутренних дел по регионам республики.

**Annotation**

The article analyzes the structure of police officers working in the People's Commissariat of Internal Affairs, which was reorganized after the formation of the Uzbek SSR, including the central structure of the internal affairs system and the national structure of senior and ordinary officers in the regions on the basis of primary archival documents.

**Таянч сўз ва иборалар:** давлат, республика, ҳукумат, тизим, бошқарув, ИИВ, милиция, хужжат, қонун, қарор, фармон, фармойиши, низом, буйруқ, ҳуқуқ, ҳудуд, кадр, таркиб, курс, ходим, инспектор.

**Ключевые слова и выражения:** государство, республика, правительство, система, управление, МВД, милиция, документ, закон, постановление, указ, распоряжение, положение, приказ, право, территория, кадр, состав, курс, сотрудник, инспектор.

**Keywords and expression:** state, republic, government, system, management, Ministry of Internal Affairs, police, document, law, order, resolution, position, law, territory, personnel, composition, course, employee, inspector.

1924 йил охириларида Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг, бу ҳудудларда фаолият юритган учта республика тугатилиб, 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Натижада Туркiston АССР, ХССР ва БССРлари ички ишлар идоралари ҳуқуқий ва ҳудудий жиҳатдан Ўзбекистон ССР ИИХК тасарруфига ўтказилди.

Жумладан, 1924 йил 14 декабрда Ўзбекистон ССР милицияси бошлиғининг 16-сонли буйруғи эълон қилинди. Буйруқда “Туркiston АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикалари ҳудудларида фаолият юритган ички ишлар органлари Ўзбекистон ССР милицияси тасарруфига

ўтказилгани кўрсатилган бўлиб, эндилиқда милиция органларининг таркиби бутунлай қайта кўриб чиқилиши зарурлиги, ходимларга милиция сафларида хизмат олиб бориш қоидалари ва жамиятда тартиб-интизомни таъминлаш борасида тегишли курслар ташкил этиш кераклиги, шунингдек, ташкилотда мустаҳкам тизимли тартиб ўрнатиш муҳимлиги” белгилаб берилди [1,75-76]. Туркiston АССР ИИХКга тегишли ҳуқуқий нормативлар, низомлар, юқоридан чиқарилган қарор, фармойиши ва кўрсатмалар асосида белгиланган ваколат ҳамда вазифалар ўзаро мувофиқлаштирилди [2,163-164]. Натижада милиция ва жиноят қидирув бўлимларининг фаолияти устидан умумий назорат қилиш

## ТАРИХ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилди. Шундай бўлгани ҳолда, Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан қабул қилинган қарорда Туркистон АССР ИИХ комиссари ҳамда Бухоро ва Хоразм Республикалари халқ нозирлари вақтинча ўз ўрнида қолдирилди. Ўзбекистон ССРда ташкил этилган “Милиция ва жиноят қидирув” бўлимига 7 та вилоят бўлинмалари, битта туман, шаҳар (Тошкентнинг эски шаҳрида) бўлинмаси, 13 та туман бўлинмалари ва Самарқанд вилоятиning вокзал олди бўлинмаси бўйсунар эди [3, 48].

Ҳар бир ташкилотнинг иш юритиш услуби, шунингдек, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар бевосита унинг бошқарув тизими ҳамда ташкилотдаги кадрларнинг таркибий тузилиши, билими ва малакаси билан боғлиқ жараён бўлгани сингари Ўзбекистондаги ички ишлар органларининг фаолияти ҳам, шундай жиҳатлар негизидаги хусусиятлар билан кечди.

Таъкидлаш жоизки, ташкилотнинг иш юритиш услуби, бошқариш шакли тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон ички ишлар органларининг ҳам фаолияти тегишли низомлар, буйруқ ва кўрсатмалар асосида олиб борилган бўлсада, унинг бошқарув аппаратининг ҳам ташкилот фаолиятига таъсири муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, совет даврининг илк йилларида ички ишлар тизимидағи раҳбарларнинг миллий таркибиға алоҳида эътибор қаратилиб, ўлқада олиб борилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва мағкуравий ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда раҳбарлар, асосан, европаликлардан тайинланган. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Ички ишлар халқ комиссарлиги тузилган илк йилларда унинг марказий аппаратидаги 10 та юқори лавозимда атиги 3 нафар ўзбек ишлаган бўлиб, қолганлари рус ва бошқа миллат вакилларидан иборат бўлган. Милиция бўлимидаги фаолият юритган 11 нафар ходимдан 2 нафари ўзбек, 8 нафари рус ва биттаси латиш миллатига (1925 йил апрель) мансуб бўлган [4, 14-15]. Жиноят қидирув бўлимидаги фаолият кўрсатган 11 нафар ходимдан 2 нафари ўзбек (18%), қолганлари европаликлардан (81 %) иборат бўлган [5, 149].

Бу даврда милиция органлари ходимларининг таркибий тузилиши вилояtlар бўйича ҳам ўзаро фарқ қилган. Маълумотларда ёзилишича, Тошкент вилоятидаги мавжуд 865 нафар милиция ходимидан 486 нафари руслар (56%), 295 нафари ўзбеклар (34 %), 3 нафари тожиклар, 10 нафари қозоқлар, 33 нафари татарлар, 5 нафари туркманлар, биттаси поляқ, 3 нафар латишлар ва арманлар, 6 нафари яхудийлар, 20 нафари бошқа халқларнинг вакиллари бўлган. Зарафшон вилоятида фаолият кўрсатган 759 нафар милиционердан 529 нафари ўзбек (69 %), 63 нафари тожик (8%), 4 нафари қозоқ, 43 нафари татар (5%), 51 нафари туркман (6%), 27 нафари эрон, 11 нафари рус, 18 нафари арман, 13 нафари бошқа миллат вакилларидан бўлган. Сурхондарё вилоятида мавжуд 138 ходимдан 70 нафари ўзбек (50%), 39 нафари рус (28%), 11 нафари татар ва қолганлари бошқа миллат вакиллари бўлган. Фарғона вилоятида эса 212 нафар милиционердан 70 нафари руслар (33%), 50 нафари ўзбеклар (24 %), 41 нафари тожиклар, қолганлари бошқа миллатга мансуб кишилардан [6, 426]. Хоразм вилояти жиноят қидирув бўлими ходимларидан 6 нафари ўзбек, 5 нафари татар, 4 нафари руслардан (штат бўйича умумий 15 нафар ходим) [7, 477] (1925 йил 1 октябрь ҳолатига) иборат бўлган.

Ўзбекистон ССР ИИХК коллегиясининг йиғилишида (1926 йил 2 марта) муҳокама этилган масалалар доирасида ҳам милиция шахсий таркиби ва фаолиятига оид бир қатор жиддий камчиликлар кўрсатилади. Коллегияда Зарафшон вилояти ижроия комитети маъмурӣ бўлим бошлиғи (А. Мукамилов) вилоят ички ишлар идораларининг таркибий тузилиши ва фаолияти тўғрисида маъруза қилиб, унда “...Бухоро вилоятида эса ходимларнинг 50 % ни ўзбеклар, 30 % ни чет элликлар ва 20 % рус миллатига мансуб кишилардан ташкил топганлиги [8, 27-28] кўрсатилади. Шу пайтда Фарғона вилояти милиция ходимларининг миллий таркиби қуидагича бўлган: ўзбеклар – 417, тожиклар – 23, қирғизлар – 1, татарлар – 14, эронийлар – 1, руслар – 81, арманлар – 3, еврейлар – 1, бошқа миллат вакиллари – 2 нафарни, умумий 543 нафарни ташкил этган [9, 8].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари қайта ташкил этилиб,

вилоятлардаги ички ишлар органларининг бошқарув аппарати ва жиноят қидирав бўлимларининг милиция таркибига қўшилиши натижасида унинг таркибий тузилишида ҳам тез-тез ўзгаришлар бўлиб

турди [10,1]. (1927 йил январь ойида Ўзбекистон ССРда ички ишлар идораларининг миллий таркиби 1-жадвалда акс этган.)

### Ўзбекистон ички ишлар идораларининг миллий таркиби

1-жадвал

| № | Худуди             | ўзбеклар | тожиклар | қирғизлар | кора-қирғизлар | татарлар | туркмандар | эронийлар | руслар | поляклар | арманлар | еврейлар | латишлар | бошқа<br>миллатлар | Жами: |
|---|--------------------|----------|----------|-----------|----------------|----------|------------|-----------|--------|----------|----------|----------|----------|--------------------|-------|
| 1 | Тошкент вилояти    | 280      | 7        | 6         | 1              | 25       | -          | -         | 270    | 2        | 1        | 3        | 3        | 13                 | 602   |
| 2 | Зарафшон вилояти   | 321      | 7        | 1         | -              | 21       | -          | 9         | 37     | 1        | -        | 8        | -        | 10                 | 415   |
| 3 | Сурхондарё вилояти | 69       | 22       | -         | -              | 6        | 2          | 1         | 47     | 2        | 1        | 1        | -        | 3                  | 154   |
| 4 | Фарғона вилояти    | 432      | 23       | 1         | -              | 14       | -          | 1         | 81     | -        | 3        | 1        | -        | 2                  | 558   |
| 5 | Конимех тумани     | 27       | -        | 9         | 4              | 6        | 1          | -         | 4      | -        | -        | -        | -        | -                  | 51    |
| 6 | Хоразм вилояти     | 256      | 4        | 18        | -              | 16       | -          | -         | 5      | -        | -        | -        | -        | -                  | 308   |
| 7 | Қашқадарё вилояти  | 130      | 8        | -         | -              | 27       | -          | 12        | 19     | -        | -        | 8        | 1        | 25                 | 230   |
|   | Умумий сони        | 1515     | 71       | 35        | 5              | 115      | 3          | 23        | 463    | 5        | 5        | 21       | 4        | 53                 | 2318  |

ИИХК томонидан ЎзССР ХКСга милиция фаолияти юзасидан топширилган ҳисоботда ҳам (1927 йил 1 январь ҳолатига), ички ишлар органларининг миллий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилади. Унда кўрсатилишича, Зарафшон вилоятидаги 174 нафар ходимдан 104 нафари ўзбек (59%), 12 нафари рус (6 %), 20 нафари татар (11%), 11 нафари эроний халқига мансуб аҳоли, қолганлари бошқа халқ вакиллари, Фарғонада 543 нафар ходимдан 417 нафари ўзбек (76%), 111 нафари рус (20%), 23 нафар тожик (4%), қолганлари бошқа миллат вакиллари, Самарқанд шаҳридаги 395 нафари милиция ходимларидан 246 нафари ўзбек (62%), 114 нафари рус (28%), қолганлари бошқа халқ вакиллари, Тошкент вилоятида эса 599 нафар ходимдан 71 нафари ўзбек (11%), 267 нафари рус (44%), 25 нафари татар (4%) ва бошқа миллат вакилларидан иборат бўлган [11,66].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ички ишлар идораларининг миллий таркибига оид маълумотлар архив ҳужжатлари ва турли

ҳисоботларда келтирилганда, бир-биридан ўзаро фарқ қиласди. Бунинг сабабини уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг доимий ва тез бўлганлигига, дея изоҳлаш мумкин (архив маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, республикада ички ишлар органлари қайта тузилиб, вилоятлардаги милиция идоралари ва жиноят қидирав бўлимлари қайта ташкил этилаётган илк йилларда хизматга ўтган айrim ходимлар бир неча кун, ҳафта ёки бир ой муддат ҳам фаолият юритмаган экан).

Бундай жараёнларнинг оқибатида бир йилнинг ўзида республика ва вилоятлар кесимида статистик маълумотларда катта фарқлар учрайди. Масалан, 1927 йил июль ойига келиб, Ўзбекистон ички ишлар идоралари миллий таркиби қуидаги кўринишга эга бўлиб, ўша йил январдаги маълумотлардан бирмунча фарқ қиласди:

## ТАРИХ

2-жадвал

Ўзбекистон ички ишлар идораларининг миллий таркиби (1927 йил июль) [12,14].

| № | Худуди             | ўзбеклар | тоҷиклар | қирғизлар | қора-қирғизлар | татарлар | туркмандар | эронийлар | руслар | поляклар | арманлар | еврейлар | латишлар | бошқа<br>миллатлар | Жами: |
|---|--------------------|----------|----------|-----------|----------------|----------|------------|-----------|--------|----------|----------|----------|----------|--------------------|-------|
| 1 | Зарафшон вилояти   | 317      | 13       | 3         | -              | 45       | -          | 14        | 29     | 3        | -        | 7        | -        | 9                  | 440   |
| 2 | Қашқадарё вилояти  | 145      | 8        | -         | -              | 12       | -          | -         | 12     | -        | -        | 6        | 1        | 58                 | 242   |
| 3 | Хоразм вилояти     | 265      | 4        | 18        | -              | 16       | -          | -         | 5      | -        | -        | -        | -        | -                  | 308   |
| 4 | Фарғона вилояти    | 686      | 23       | 1         | -              | -        | -          | 1         | 148    | -        | -        | -        | -        | -                  | 859   |
| 5 | Самарқанд вилояти  | 248      | 3        | 2         | -              | 16       | -          | -         | 140    | 3        | -        | -        | -        | 11                 | 423   |
| 6 | Тошкент вилояти    | 454      | -        | -         | -              | -        | -          | -         | 641    | -        | -        | -        | -        | 55                 | 1150  |
| 7 | Сурхондарё вилояти | 67       | 34       | 1         | -              | 3        | 1          | -         | 23     | 1        | 2        | -        | -        | 12                 | 144   |
| 8 | Конимех тумани     | 25       | -        | 12        | 3              | 6        | 1          | -         | 3      | -        | -        | -        | -        | -                  | 50    |
|   | Умумий сони        | 2207     | 85       | 37        | 3              | 98       | 2          | 15        | 1001   | 7        | 2        | 13       | 1        | 145                | 3616  |

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органларида фаолият юритган руслар ва бошқа европалик милиция ходимлари, асосан, катта ва марказий шаҳарларда, хусусан, Тошкент ва Фарғона вилоятларида кўпчиликни ташкил этган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, милициянинг таркибий тузилиши кадрлар масаласидаги тартибсизликлар, тегишли кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, милиция шахсий таркибига оид ижтимоий муаммолар таъсирида тез-тез ўзгариб турган.

Хусусан, ушбу идоранинг кадрларида тегишли жиддий муаммолар Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Б.Мавлонбековнинг (1927 йил 2 февраль) ҳисботида: "...милиция ходимларининг 70 % саводсиз бўлганлиги ва улар маҳсус тайёргарликдан ўтмаётганлиги сабабли милицияга юклатилган вазифалар ўз вақтида бажарилмаяпти" [13,4,5], деб кўрсатилади. Милиция сафларидағи бундай ҳолатни бартараф этиш масаласи тегишли ташкилотларда ўрганилиб чиқилганидан сўнг, ходимларнинг билим ва малакасини

ошириш мақсадида маҳсус курслар ташкил этилиши йўлга қўйила бошланди. 1929 йилда милиция, жиноят қидирав ва қамоқхоналардаги бошқарув лавозимлариға ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича 1 йиллик курслар ташкил этилди. Унда милиция бўлимидан 100 киши, жиноят қидирав бўлимидан 15 киши ва қамоқхона ходимларидан 35 нафар киши қатнашди [14,31]. Лекин бошқарув аппаратини мустаҳкамлаш учун ташкил этилган бу курслар таъминотдаги узилишлар ва бошқа айrim сабабларга қўра тўлалигича охирига етказилмади.

Бу пайтда Ишчи-дехқон милициясининг қуий бўғин бошқарув таркиби ва оддий ходимларни тайёрлашда ҳам айrim эътиборга молик ишлар амалга оширила бошланди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари ходимларининг малакасини ошириш жараёни билан боғлиқ ҳисботларда, унга жалб этилган ходимларнинг таркибий тузилиши, сони билан бирга миллий таркиби ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

1933 йилда республика худудларида ташкил этилган 4 ойлик курсларда Тошкент

шахрида 48, Самарқандда 37, Қўқонда 25, курслардан ташқари маҳсус лагерларда ўтказилган йиғинларда дастур асосида 522 нафар ходим қатнашди.

Йиғинларда иштирок этган ходимларнинг 70%и ўзбеклар, 12 %и руслар, 6 %и қозоқ, татар ва украинлардан иборат бўлган. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан эса 52 % ни ишчи ва батраклар, 35 % ни дехқонлар ташкил этган [15,81].

Тадқиқ эилаётган йилларда милиция шахсий таркибининг малакасини ошириш жараёнида унинг таркибига аёлларни жалб этиш ҳам йўлга қўйила бошланди. Масалан, 1930 йилда Тошкент округида 41 нафар аёл ходимлар фаолият юритиб, улардан 38 нафари рус ва 3 нафари ўзбек аёллари бўлишган [16,22].

Милиция органларининг шахсий таркибини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ҳаракатларга қарамай, XX аср 30-йилларининг бошларида милиция органлари бошқарув аппаратини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммо бўлиб қолаверди. Ўзбекистон ССР Давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси (Антоничев) томонидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига 1933 йил 11 октябрда топширилган маҳсус далолатномада қўйидагича таъқидлайди: “...Милиция бошқарув аппаратидаги тартибсизликлар

ҳақида тўхталиб, бир йилда (1932-1933 йиллар) республика миқёсида 208 нафар милиция бошлиқлари ўз лавозимларидан бўшатилиб, улардан 127 нафари жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилганини таъқидлаш кифоя. ...Шу муносабат билан вилоятларда милиция фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун бошқарувда малакага эга бўлган ўзбек миллатига мансуб 25 нафаргача ходимларни районларда тегишли лавозимларга тайинлаш учун юбориш зарур” [17,98-101].

Маълумотларда кўрсатилишича, 1940 йилда Ўзбекистон ССР ички ишлар идоралари марказий аппаратида 117 нафар ходим фаолият юритиб, уларнинг 22 нафари – ўзбек, 1 нафари – тожик, 47 нафари – рус ва 46 нафари бошқа миллат вакиллари бўлган. Улар орасида фақат 2 кишигина олий маълумотга, 18 нафари ўрта маълумотга, қолган 97 нафар киши паст маълумотга эга бўлган.

**ИИХК** Ишчи-дехқон милицияси бошқармасида фаолият юритган 107 нафар ходимдан, 60 нафари – ўзбек, 2 нафари – тожик, 3 нафари – қозоқ, 25 нафари – рус, 17 нафари эса бошқа миллат вакиллари бўлишган. Улардан биттаси ҳам олий маълумотга эга бўлмаган, ўрта маълумотлилар – 6 киши, 101 нафар киши паст маълумотли бўлган [18,44].

3-жадвал

#### Ўзбекистон ССР бўйича район ва шаҳар милиция бошлиқларининг миллий таркибий тузилиши қўйидагича бўлган (1940 йил 15 июль) [19,51]:

| №  | Вилоят номи          | умумий сони | ўзбек-лар | тожик-лар | руслар | қозоқ-лар | бошқа миллат вакиллари | Маълумоти |      |      |
|----|----------------------|-------------|-----------|-----------|--------|-----------|------------------------|-----------|------|------|
|    |                      |             |           |           |        |           |                        | олий      | ўрта | Паст |
| 1. | Тошкент вилояти      | 15          | 7         | 1         | 4      | -         | 3                      | -         | 2    | 13   |
| 2. | Самарқанд вилояти    | 19          | 11        | 1         | 6      | -         | 1                      | -         | 2    | 17   |
| 3. | Фарғона вилояти      | 30          | 23        | -         | 1      | 1         | 5                      | -         | -    | 30   |
| 4. | Бухоро вилояти       | 21          | 13        | -         | 5      | 1         | 2                      | -         | 1    | 20   |
| 5. | Хоразм вилояти       | 9           | 6         | -         | 1      | -         | 2                      | -         | 1    | 8    |
| 6. | Қорақалпоғистон АССР | 13          | -         | -         | 8      | 1         | 4                      | -         | -    | 13   |
| 7  | Жами                 | 107         | 60        | 2         | 25     | 3         | 17                     | -         | 6    | 101  |

1983 йилда республика миқёсида “ўзбек иши” ва “пахта иши” каби компаниялар асосида бошланган жиноий ишлар оқибатида ички ишлар тизими, хусусан, унинг бошқарув аппарати ва умуман таркибий тузилишида ўзгаришлар содир

бўлди. Бу жараёнда давлат бошқарув тизимининг, шунингдек, хукуқ-тартибот идораларининг барчасига Марказдан кўплаб ходимлар юборилди. Бу пайтда мазкур давлат идоралари орасида шахсий таркиби нуқтаи назаридан энг каттаси ҳисобланган

## ТАРИХ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигига ҳам 150 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари келган эди.

Ўша пайтда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаган Фофур Раҳимовнинг далилларига кўра, вазирлик таркибидаги 27 та бошқарма ва бўлимлардан бор-йўғи иккитасинигина ўзбек миллатига мансуб кишилар бошқарган. У ҳам бўлса, хўжалик ва тиббиёт бошқармалари [20,268], қолган бошқарма бошлиқлари, асосан, европалик вакиллардан иборат бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги ички ишлар органларининг таркибий тузилиши, уларни малакали ва тажрибали кадрлар билан таъминлаш масаласи, раҳбар кадрлар миллий таркибидаги номутаносибликлар тадқиқ этилаётган давр мобайнида долзарб муаммо бўлиб қолаверди. Бундай вазиятнинг жиддий сабаблари мавжуд бўлиб, бу, совет давлати сиёсатидаги хатоликлар, ўлгадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг кескинлашуви билан изоҳланади.

Жумладан, тадқиқ этилаётган даврнинг илк йилларида ички ишлар органлари тизимининг бошқарув бўғинларидаги раҳбарлик лавозимларига, асосан, европа миллати вакилларининг тайинланиши ҳам, республика ҳокимият бошқарувидаги номутаносибликларни юзага келтирди. Бундай муносабат, яъни раҳбарлик лавозимларига европаликларнинг тайинланиши, бу соҳада маҳаллий аҳоли билим ва савиясининг етишмаслигида, дея изоҳланди.

Бу даврда ички ишлар идоралари ходимларининг миллий ва ижтимоий таркибидаги хусусиятлардан бири – республика вилоятларидағи милиционерларнинг таркибий тузилишида ҳам ўзаро фарқларнинг катта бўлганлигига кўринади. Масалан, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида ҳамда Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида руслар ва бошқа европалик аҳоли вакиллари республиканинг бошқа худудларига нисбатан кўпроқ фаолият юритган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларидағи хусусиятлардан яна бири ўша даврга оид бўлган ҳужжатларда ички ишлар идоралари ходимларининг миллий таркиби билан боғлиқ маълумотларда ўзаро тафовутнинг кўзга ташланишидир

(айримларида бир йилнинг ўзида фарқлар кузатилади). Бунинг сабабини уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг доимий ва тез бўлганлигига, дея изоҳлаш мумкин (архив маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, республикада ички ишлар органлари қайта тузилиб, вилоятлардаги милиция идоралари ва жиноят қидирув бўлимлари қайта ташкил этилаётган илк йилларда хизматга ўтган айрим ходимлар бир неча кун, хафта ёки бир ой муддат ҳам фаолият юритмаган экан).

Қайд этиш жоизки, бу даврда ички ишлар идораларининг таркибий тузилиши, кадрлар масаласидаги тартибсизликлар, ходимлар таркибининг жуда тез ўзгариши, фаолиятига тегишли кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, милиция ходимларининг моддий таъминотидаги узилишлар ҳамда ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги ва бошқа муаммолар таъсирида ҳам юзага келган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб ҳам ИИХК марказий аппаратида фаолият юритган ходимлар орасида руслар ва европалик аҳоли вакилларининг салмоғи катта бўлган бўлса-да, республикадаги район ва шаҳар ички ишлар идоралари бошлиқларининг катта қисми маҳаллий миллат вакилларини ташкил этган. Фақатгина Қорақалпоғистон АССР милиция органлари бошқарувида руслар кўпроқ фаолият юритган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва урушдан кейинги дастлабки ўн йилликларда милиция органларининг таркибий тузилишига оид маълумотлар ички ишлар идораларининг фаолияти юзасидан топширилган йиллик ҳисботлар ва бошқа давлат ташкилотларининг ҳисботларида ҳам деярли учрамайди. Шуниси диққатга сазоворки, партия ташкилотларининг йиғилишлари ва бошқа тегишли давлат органларининг мажлисларида ички ишлар органларининг фаолияти муҳокама этилганда ва шу масалага бағишланган маърузаларда ҳам уларнинг миллий таркибига оид маълумотлар келтирилмаган (тадқиқот давомида бундай материаллар учрамади).

Тадқиқ этилаётган даврнинг сўнгги йилларида Ўзбекистонда “ўзбек иши” ва “пахта иши” кампаниялари амалга оширилган пайтда, ички ишлар идоралари

тизими бошқарув аппарати ва ходимларнинг келиши натижасида миллий вилоятлардаги раҳбарлик лавозимларига таркибда яна ўзгаришлар содир бўлди. Иттифоқнинг турли худудларидан

**Адабиётлар:**

1. Андикон ВДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 75-76-варақлар.
2. ЎзР ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 774-иш, 163-164-варақлар.
3. Ҳалқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ф.Рахимов. – Т.: Ўзбекистон. 1992.
4. ЎзР ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 971-иш, 14-15-варақлар.
5. ЎзР ИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 63-иш, 149-варақ.
6. ЎзР ИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 18 с-иш, 426-варақ.
7. ЎзМА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3192-иш, 477-варақ.
8. ЎзР ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 751-иш, 27-28-варақлар.
9. Фарғона ВДА, 328-фонд, 1-рўйхат, 129-иш, 8-варақ.
10. ЎзМА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 1г - иш, 1-варақ.
11. ЎзР ИИВА, 432-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 66-варақ.
12. ЎзМА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 1 г -иш, 14-варақ.
13. ЎзР ПАА, 58-фонд, 2-рўйхат, 184-иш, 4-5-варақлар.
14. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 475-иш, 31-варақ.
15. ЎзР ПАА, 58-фонд, 8-рўйхат, 241а -иш, 81-варақ.
16. ЎзР ИИВА, 432-фонд, 1-рўйхат, 70-иш, 22-варақ.
17. ЎзР ПАА, 58-фонд, 9-рўйхат, 375-иш, 98-101-варақлар.
18. ЎзР ПАА, 58-фонд, 15-рўйхат, 190-иш, 44-варақ.
19. ЎзР ПАА, 58-фонд, 15-рўйхат, 190-иш, 51-варақ.
20. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори).